

Тўғридан-тўғри жаннатга



09:00 / 27.04.2021 2929

Аслам ал-Ҳабаший қора қул бўлиб, бир яҳудийнинг қўйларини боқиб юрадиган чўпон эди. Ибн Исҳоқдан ривоят қилинишича, бир куни ўша қул Хайбардаги бир қўрғонда қўйларни қамаётган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига келдилар. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга Ислом ҳақида айтиб беринг», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Исломни тушунтирдилар. У Исломни қабул қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломга даъват қилишда ҳеч кимни таҳқирламас эдилар. Ҳалиги қул: «Мен бу қўйларнинг эгасининг хизматкориман. Бу қўйлар менда омонатдир. Буларни нима қиламан энди?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уларнинг юзига ургин, эгасига ўзи қайтиб боради», дедилар. Қул бир ҳовуч тупроқни олиб, уларнинг юзига отди-да, «Эгаларингга қайтиб боринглар, мен энди сизга ҳамроҳлик қилмайман», деди. Шунда қўйлар худди уларни биров ҳайдаб кетаётгандек, бир тўп бўлиб бориб, тўғри қўйхонага кириб кетишди.

Шундан кейин ҳалиги қул мусулмонларга қўшилиб, жангга кирди. Жангда унга бир тош тегиб, шаҳид бўлди. У ҳали бирор марта намоз ўқишга ҳам улгурмаган эди. Уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб келиб, у зотнинг ортларига қўйишди. Устига ўзининг чопонини ёпиб қўйишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир гуруҳ саҳобалари билан унга юзланиб, сўнг дарҳол юзларини бурдилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундан юз ўгирияпсизми?» дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг ҳури ийндан бўлган завжаси у билан бирга турибди», дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китоби асосида тайёрланди